



## Фозиллар фозили



Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Носир Хисрав (Тўлик исми Абумуъиниддин Носир Хисрав ал-Кубодиёний) 1004 йили Кубодиёнда ўзига тўк хонадонда дунёга келиб, бошлангич маълумотни ўз кишлогида олади. Кейин илмини камолга етказиш учун Марв ва Балх мадрасаларида тахсилни давом эттиради. Математика, астрономия, фалсафа, тарих, адабиёт, калом, мусика, география, тиббиёт ва бошқа фанларда ўз даврининг ягонасн бўлган комусий олим бўлиб етишади.

«Носир Хисрав бу даврда улуг ватандошлари Абу Али ибн Сино, Форобий асарларини чукур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содик шогирди ва давомчиси бўлиб қолади. Бундан ташқари, у қадим дунё файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель таълимотини ўрганиш билан шугулланади» (Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. Тошкент, 1995 йил, 56-бет.). Носир Хисрав Махмуд Газнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида мирзалик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган. Салжукий ҳукмдорлардан бирининг саройида ҳам бир муддат ишлаган. У 40 ёшида сафарга отланиб, етти йил (1045—1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ирок мамлакатларини кезиб чиқади. Саёхатлари вақтида адолатли ҳукмдорлар туфайли осойишта ва фаровон шаҳарларни кўрган шоир кейинчалик ўз асарлари орқали одил подшоҳ гоёсини илгари суради. Мисрда уч йил яшаб, фотимийлар (Фотимийлар исмоилий халифалар сулоласи. Жаъфари Содикнинг Исмоил деган ўғли орқали ўзларини Али ва Фотима авлоди деб ҳисоблаганлар (Ислом (энциклопедия). Тошкент, 2004 йил, 253-бет.) тарикатига қиради ва исмоилийлар (Исмоилийлар — шиалик ичида вужудга келган оқимлардан бири. У VI аср ўрталарида иайдо бўлиб, X—XI асрларда Якин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. IX аср иккинчи ярмидан бу таълимот тарафдорларини карматийлар деб аташ бошлаганлар. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шимолий Африкада Фотимийлар халифалигига асос солинади. X аср охирида Магриб, Миср, Сурия, Фаластин, Хижозда исмоилийлар ҳокимияти ўрнатилди (Қаранг: Ислом (энциклопедия). 124—125-бетлар.) маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Носир Хисрав Хуросон бўйича жазира бошлиғи — Хужжат этиб тайинланади (У қатор шеърларида Хужжат таҳаллусини ҳам қўллаган. Лекин баъзилар уламо ва ҳуқуқ билан баҳслашганда далилу ҳужжатлари мустаҳкам фозил киши бўлганлигидан ҳужжат лақабини олган, дейдилар). Махсус топширик билан Балхга қайтгач, бу ерда исмоилийлик гоёларини кизгин тарғиб-ташвиқ қила бошлайди. Унинг бу ҳаракати сунний мазҳабидаги уламолар ва салжукий ҳукмдорларга ёқмай, уни шиалик ва кофирликда айблаб, ўлимга ҳукм қилишади. Шундан сўнг у Бадахшондаги Ҳазрати Саййид кишлогига Юмгон дарасини макон тутиб, қолган 25 йиллик умрини шу ерда ўтказади. Бадахшоннинг ўша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад исмоилия мазҳабини қабул қилгани учун шоирни ўз ҳимояси остига олади. Унинг даъватлари натижасида бу ерда исмоилийлар жамоаси вужудга келади ва улар асрлар давомида ўз эътиқодларига содик қоладилар. Носир Хисрав 1088 йили вафот этади. Носир Хисрав макбараси шимолий Афғонистондаги Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида — тоғ тепасида жойлашган Ҳазрат Саййид кишлогига. Улуг шоир ва мутафаккир макбараси асрлар давомида муқаддас зиёратгоҳлардан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Мозори Шох Носир» деб аталади. Тожикистонда кўплаб мактаб, кўча, маҳалла ва жамоа хўжаликлари буюк аллома номи билан юритилади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Хуросонга кетишидан аввал Носир Хисрав машҳур тасаввуф шайхи Абулхасан Ҳараконий суҳбатига мушарраф бўлган. «Ҳазрати шайхга, қаромат юзасидан, унинг аҳоли (илғариёқ) аён бўлган эди. Муридларига айтди: Эртага фалон тусли ҳужжати (мустаҳкам) одам фалон тарзда хонакоҳ эшиги ёнига келади. Унга иззат-икром кўрсатинглари. Агар имтиҳон юзасидан илми зохирдан сўраса, айтинглари, бизнинг шайхимиз дехкон ва омий одам деб. (Сўнг) ўша кишини менинг ҳузуримга олиб қиринглари. Ҳаким Носир хонакоҳ эшиги ёнига келгач, муридлар (аввал) шайхнинг айтганини

килдилар, (сўнг) уни шайх хузурига олиб кирдилар. Шайх унга иззат-икром кўрсатди.

Хаким Носир деди:

Эй бузруквор, истардимки, сухбатингни топсам, сўнг хол ахли панохидан жой олсам.

Шайх табассум килди ва деди:

- Соддадилсан. Бизлар билан кандай сухбатлаша оласан, ахир, неча йил ўтдики, нокис аклга асирсан? Мен мардлар хизматига кадам кўйган биринчи кунимок бу маккора (нокис акл — Э.О.) чодир бурчагини банд этган эдим, уни талок килдим.

Хаким Носир деди:

- Шайхга акл нокислиги кандай маълум бўлди экан, балки, айтганларидек, аклнинг аввалп Тангридир?

Шайх деди:

— Эй хаким, аклнинг аввали пайгамбар алайхиссаломдир. Бу майдонда кўрслик килма.

Нокис акл бу — сенинг ва Пурсино (Ибн Сино — Э.О.)нинг аклидир, (чунки) хар иккалангиз ҳам магрурсиз. Бунга далил кеча айтган касидангким, (унда) гумон килдингки, «кун-фаякун»нинг гавхари — аклдир. Галат иш килдинг, (аслида) ўша гавхар — ишқдир.

Ва (шайх) ўша касида матлаини муборак тилларига олдилар. Унинг матлаи будир:

Етти гумбаз томининг накши эрур икки гухар,  
Коинотда неки бўлса, баридан юксак турар.

Хаким (Носир) шайхдан келган кароматни мушохада килиб, хайрон колди, зеро, бу касидани ўтган кеча ёзган, хали хеч ким уни эшитмаган эди. (Шу сабабдан) хакимнинг шайх хусусидаги эътикод ва ихлоси ортди, бирмунча вақт шайх хизматида кун кечирди, риёзат ҳам пок ботинни касб этиш ила машгул бўлди. Сўнг шайх унга сафар ижозатини берди» (Давлатшоҳ Самархандий. Шоирлар бўстони. 30 — 31-бетлар.).

Носир Хисрав «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин» («Мусофирларнинг йўл озиклари»), «Важхи дин» («Дин чехраси»), «Саодатнома», «Рўшноинома» («Маърифат китоби»), «Хон ул-ихвон» («Дўстлар дастурхони»), «Бўстон ул-укул» («Акллар бўстони»), «Далил ул-мутахаййирин» («Хайратда колганлар далили»), «Жомеъ ул-хикматайн» («Хикматлар йигиндиси»), «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафий» («99 фалсафий саволга жавоб рисоласи»), «Кушойиш ва рахойиш» («Ечилиш ва кутулиш») каби кўплаб шеърий ва насрий асарлар яратган. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тартиб берган бўлиб, араб тилидаги девонининг такдир хозиргача номаълум. Шоирнинг касида, газал, китъа ва рубоийларини ўз ичига олган 12 минг мисрадан иборат форсий девони эса Эронда бир неча марта чоп этилган.

«Важхи дин» асосан, илохийет масалаларига багишланган. Унда Носир Хисрав шариатни исмоилия мазхаби таълимотига кўра талкин килади.

«Важхи дин» Помир тоғларида асрлар давомида Носир Хисрав хотирасини авлиё даражасида эъзозлаб келган исмоилийлар жамоаси орасида мўътабар китоб бўлган. Асарнинг кўлёзма нусхалари кўплаб кўчирилган ва диний маросимларни ўтказишда амалий кўлланма сифатида фойдаланилган» (Карим Г. Хаким Носир Хисрав ва унинг ижодий мероси // Носир Хисрав. Сафарнома (Форсийдан Г. Карим таржимаси). Тошкент, 2003 йил, 9-бет.).

«Зод ул-мусофирин» («Мусофирларнинг йўл озиклари») тасаввуфий мазмунда бўлиб, у тарикат йўлига кириб, Худо сари сайр килаётган сўфий учун зарур рухий-маънавий

озиклар хакида. 1061 йили Юмгонда ёзилган 27 бобдан иборат бу асар асосан шоирнинг фалсафий карашларини ўз ичига олади.

«Кушоиш ва рахойиш» («Ечилиш ва кутулиш») — Носир Хисравнинг ўзига берилган 30 та саволга жавобдан иборат.

«Рўшнойнома» ва «Саодатнома» панд-насихат руҳидаги асарлар бўлиб, уларда шоирнинг ахлокий-маънавий ва тасаввуфий карашлари ўзининг бадий талқинини топган. «Рўшнойнома» — 32, «Саодатнома» — 30 бобдан иборат. «Рўшнойнома» 1049 йили ёзилган. «Саодатнома»да «Рўшнойнома»даги баъзи масалалар ривожлантирилган, баъзилари такрорланган.

«Саодатнома» «Яхшилик хусусида», «Беозорлик хусусида», «Сабр хусусида», «Жохил ва нокаслар баёнида», «Сухбат одоби ва насихат тинглаш хусусида», «Дўстлик, душманлик ва вафо хусусида», «Тама ва хорлик хусусида», «Эхсон хусусида» каби боблардан иборат.

«Рўшнойнома» «Насихат», «Инсон камоли хакида сўз», «Одамларнинг турли сифатлари хакида», «Авомнинг турли сифатлари хакида», «Яхши ва ёмон ахлоқ сифатлари хусусида сўз», «Панд ва насихат хакида сўз», «Риёкор дўстлар танкиди хусусида», «Гийбатчилар танкиди хусусида», «Амал ва бойлик танкиди хусусида», «Ризо ва таслим хусусида», «Дунёга хитоб», «Шеър ва дид сифати хакида», «Шоирлар танкиди хусусида» каби боблардан иборат.

Дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган Носир Хисрав тафаккур одами, хур фикрли киши бўлган. Олам ва одам моҳияти тўғрисида ақл воситасида фалсафий фикр юритган. Ижоди оркали кажрафтор фалак, адолатсиз замон, жохил ва манфаатпараст кишиларни танкид қилиб, меҳнаткаш дехконни, косибу хунармандни, илм соҳибларини улуглаган, инсоний камолотга даъват қилган. Унинг хур фикрлари ўзидан кейинги ижодкорлар, жумладан, Умар Хайёмга кучли таъсир кўрсатган. Асарларининг теран фалсафий фикрларга бойлиги, хикмат ва донишмандликка омукталиги, сермазмун маънавий-ахлокий панд-насихатлари туфайли Шарк мамлакатларида Носир Хисрав номига эхтиром юзасидан Ҳаким номини кўшиб айтадилар.

Абдурахмон Жомий таъбир билан айтганда, «шеър илмларида мохир ва хикмат фанларида комил» бўлган Носир Хисрав хаёти ва ижоди асрлар давомида ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлган. Шоиру олимларимиз унинг асарларидан баҳраманд бўлганлар, таъсирланганлар, унга ўз муносабатларини билдирганлар. Чунончи, Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат»да у ҳақда ёзади: «Бағоят муртоз киши эрмиш. Кўхистон ахли боштин-аёқ онинг муридидирлар ва Шох Носир Хисрав била таъбир қилурлар. Зохир улумин хейли кўрғап эрмиш ва ботин илмин даги риёзат жихатидан хосил қилгондур, аммо бу тоифанинг (яъни тасаввуф ахлининг — Э.О.) анинг мазхабида таънлари бор ва бу таън гўё «Рўшнойнома»сида мазкур бўлгон абёти жихатидиндурки, хукм мазхаби равишида воқеъ бўлубдур» (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. 475-бет.).

Носир Хисрав асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўзбекчага унинг бир катор шеърлари, «Саодатнома» маснавийсидан парчалар ва «Сафарнома» асари М. Муинзода, Ш. Шомухамедов, Г. Карим ва Эргаш Очиловлар томонидан ўғирилган. Чунончи, шоирнинг дунёда мен ўрганмаган илм деярли қолган эмас мазмунидаги фахрия байтларини Ш. Шомухамедов аслига мувофик қойилмақом қилиб таржима қилган:

Сар андар жустани дониш ниҳодам,

Накардам рўзгори хеш бебар.  
Намонд хечгона дониш, ки ман зи он  
Накардам истифода бешу камтар.

Билим кидиришга урдим бошимни,  
Бекор ўтказмадим умримни бир дам.  
Бўлади кўпми-оз фойдаланмаган,  
Умримда бирор илм колмади десам.

«Саодатнома» асарида шоир хар хил касб-хунар, турли тоифаларга алохида фасл багишлайди, косиб, дехкон каби жамиятни боқувчи, халк эҳтиёжини қондирувчи соҳа эгаларини улуглайди. Жумладан, дехконни шундай таърифлайди:

Бех аз санноъи олам дехкон аст,  
Ки вахшу тайрро рохатрасон аст.

Ш. Шомухамедов таржимаси:

Косибдан ҳам жаҳонда дехкон ортик,  
Хамма жондорга этмиш ризк тортик.

«Сафарнома» асари буюк алломанинг ўзбек тили-да босилиб чиққан биринчи китобидир. Уни таникли шарқшунос олим, истеъдодли адиб ва мохир мутаржим Гулом Карим таржима қилган. Таржимага асарнинг Камол ва Салоҳат Айнийлар томонидан 1970 йили амалга оширилган Душанбе нашри асос қилиб олинган. Шу ўринда, таржимада жузъий қисқартиришларга йўл қўйилганлигини таъқидлаб ўтиш лозим. Чунончи, Қуддусдаги масжидлар ва бошқа баъзи иншоотларнинг узундан-узук тавсифи берилган ўринларни таржимон таржима жараёнида тушириб қолдирган. Шунингдек, «Сафарнома»нинг атоқли шарқшунос олим Е.Э. Бертельс русчага ўгирган нусхасидаги изоҳларга таянган ҳолда, 164 та изоҳ берган. Бу изоҳлар асар мутолаасини енгиллаштирган ва кизикарли қилган.

«Сафарнома» — Носир Хисрав етти йил (1045—1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ирок мамлакатлари, Табриз, Коҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Лахсо, Яман, Басра, Исфохон ва бошқа шаҳарларга қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган (Носир Хисрав. Сафарнома. Тошкент, 2003 йил. Бундан кейин мазкур китобдан олинган иқтибосларнинг сақифаси кавс ичида кўрсатилади. — Э.О.). Асар янги ва кизикарли маълумотларга бой. Равон тил, енгил услуб, самимий бир оҳангда ёзилган. Синчков муаллиф оддий сайёҳ эмас, балки олим ва адиб сифати-да иш қўриб, ўзи борган хар бир мамлакат, вилоят ва шаҳар орасидаги масофани кўрсатиб боради («Балхдан Райгача бўлган масофа менинг хисобимда уч юз эллик фарсанг чикди» (17); баъзи шаҳарларни қадамлаб ўлчаб чиқади («Бу шаҳар (Табриз. — Э.О.) Озарбайжон пойтахти бўлиб, обод ва гавжум экан, эни ва бўйини одимлаб ўлчаб чикдим: хар тарафи бир минг тўрт юз одим экан») (19); масжидлар ва турли иншоотлар хақида гапирар экан, уларнинг ички ва ташки қўриниши, неча каватлиги, баландлиги қанчалиги, хатто ертўласи ва томигача батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Ўзи қўрганларига қифоя қилмай, юрган йўлида ҳам одамлар-дан кўп нарсаларни

сўраб-билиб олади. Ўзим пиманики кўрган бўлсам, барчасиии хакконий таърифладим, лекин эшитиб ёзганларимда ихтилофлар бўлса, маъзур тутасизлар деб, узр сўраб хам кўяди.

Муаллиф ўзи кўрган ўлкаларнинг жугрофий жойлашуви, кайси давлатлар билан алоқаси, савдо-сотик ва бошка муносабатлари, иклими, сиёсати, иктисоди, халкининг урф-одат ва турмуш тарзи, диний эътиқоди, меҳнати, кийиниши, еб-ичиши, кискаси, барча-барчаси тўғрисида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Чунончи: «Айтишларича, Обискун (Каспий) денгизига бир минг тўрт юзта катта-кичик дарё сувини куярмиш. Денгиз бир минг икки юз фарсангга чўзилган бўлиб, ўртасида аҳоли яшайдиган ороллар бор экан» (18).

Носир Хисрав хикояларини ўқир экан, шўро даврида бизнинг муттасил кулогимизга куйиб келганлари каби Шарк халклари нодон ва колоқ эмаслиги, бугунги кунда инсоният тамаддунининг тамал тошини кўйганликни даъво қилаётган баъзи Гарб халқларининг боболари хали ўн бармогини мукамал санай олмаган даврлардаёқ (Г. Гулом) бизнинг аждодларимиз оламини хайратга солган кашфиётларни амалга оширганликлари, кишлок хўжалигида, саноатда, қурилиш ва ҳарбий ишларда инсон меҳнатини осонлаштирадиган ва ҳаётини қулайлаштирадиган катор янгиликларни ҳаётга жорий қилганликларини кўрамиз. Масалан, «Мисрда сафолдан коса, қадах, табок ва бошка турли хил буюмларни шу қадар нафис ва шаффоф қилиб ясашадикки, уларга бир томондан қўл теккизсанг, иккинчи томонидан кўринади. Сафол буюмларни букаламун рангига бўяшади, шунинг учун ҳар томондан қараганда турлича кўринади» (56). «Бу ернинг бозорида баккол, аттор ва майдафурушлар бирон нарса сотишса, идишни ўзлари беришади. Идишлари шиша ёки солдан ва коғоздан қилингандир. Харидорнинг бозорга идиш кўтариб боришига ҳожат йўқ» (57). «Танис шаҳрида бир хил қайчи ишлаб чиқаришади: михини сугурса очилар, қайта қиритганда кесади» (42). Шаркий Туркиядаги Миёфорикон шаҳридаги «Масжидга такаб қурилган таҳоратхона қирк бўлмадан иборат. Усти очик бир арик ўтказилган бўлиб, барча бўлмаларни оқар сув билан таъминлайди, усти ёпик иккинчи ариқдан эса, ифлосланган сув оқиб чиқиб кетади» (21). Ёки Омад шаҳри таърифига эътибор қилинг:

«Масжид ховлисида каттақон тош бўлиб, унинг ўртасида айлана тошховуз қилинган. Чуқурлиги одам бўйи ва айланаси икки газдир. Ховуз ўртасидаги жез қувурдан тоза сув фавворадек отилиб туради, аммо сув келадиган ва оқиб кетадиган жойни кўриб бўлмайди» (23).

Тароблис шаҳрида Самарқандникдан яхшироқ коғоз тайёрлашади (27).

«Сафарнома» — XI асрдаги бир катор Шарк мамлакатлари ва халқлари ҳаёти ҳақида кизикарли маълумот берувчи, ўқувчиларнинг бу эл ва элатлар хусусидаги тасавурларини бойитувчи, билимларни оширувчи тарихий, жугрофий, адабий ва маърифий асар сифатида ўзбек ўқувчиларига ажойиб тухфа эканлиги маълум. Тарихимиз, динимиз, маданият, санъат, адабиётимиз ва урф-одатларимиз кўп жихатдан муштарак бўлган бу юртларнинг бугуни ва кечаси ҳақида қанча кўп билсак, шунча яхши эканлиги шубҳасиз.

Носир Хисрав бутун Араб ва Ажам ўлкаларини кезиб, факат тўрт жойда адолат қонунлари устувор эканлигини ёзади: «Биринчиси — Лашкархон ҳокимлиги давридаги Дашт ноҳияси, иккинчиси — амирлар амири Жистон ибн Иброҳим давридаги Дайламистон, учинчиси — амир ал-мўъминин Ал-мустансирубуллох вилоятида ва тўртинчиси — Табасда, амир Абулҳасан Гелаки ибн Муҳаммад ҳокимлиги пайтида» (100).

Алломанинг одил шох хакидаги гоёни илгари суриши ва кизгин қўллаб-қувватлашида балки шу хукмдорлар асос бўлгандир? Масалан, Табасда хамиша тинчлик-осойишталик хукм сурган. «Кечаси ховлилар дарвозаларини қулфлашмас, мол-холлари ташқарида эди. Вахоланки, шаҳар девор билан ўраб олинмаган» (100). Лахсода одамларнинг донини подшоҳлик тегирмонида текинга тортиб беришади, янги иш бошламокчи бўлган одамга фоида ва муддатсиз қарз беришади, касод бўлган кишиларни ҳеч бир манфаатсиз қўллаб-қувватлашади (87).

«Миср бозорларида бирор нарса сотишаётганда факат рост гапиришади. Агар кимки харидорни алдаса, уни туяга мингазиб, қўлига кўнгирок тутқазишади ва шаҳар бўйлаб айлантиришади. У кўнгирок чалиб: «Мен ёлгон гапирдим ва маломатга қолдим», деб кичкиради. Ёлгончининг жазоси шу!»

«Миср аҳолисининг эмин ва осойишталиги шу даражада эдики, баззоз, сарроф ва заргарлар дўконларининг эшигини ёпмай, факат парда осиб қўйишар, бирон кимса молларига кўз олайтирмас эди» (60). Бировларнинг молидан тама қилмасликлари учун қозиларга етарли даражада маош тайинланган (61). Халққа дори-дармонлар шох саройидан текинга тарқатилади.

Шарқ мамлакатлари асосан сув танқислигидан азоб чекишган. Лекин бунинг ҳам иложини топишган. Зеро, инсон ҳеч қачон тақдирга қўниб, қўл қовуштириб ўтирмайди. Сув омборлари, турли ховузлар қуриб, бир йиллик ёмғир сувини жамлаб олишган. Қоризлар орқали сув қелтириб, дехқончилик қилишган. Миср ва бошқа баъзи ўлкаларда дехқончилик санъат даражасига қўтарилган.

Носир Хисрав 4 марта ҳаж қилганлигини айтади (81). Унинг Ал-Маъарий, Катрон Табризий каби машҳур шоирлар хакидаги марокли хикоялари ҳам мавжуд.

Эргаш Очиловнинг

"Барҳаёт сиймолар" китобидан